

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**Тошкент давлат иқтисодиёт университетини
2017-2030 йилларда ривожлантиришнинг
стратегик режаси**

Тошкент-2017

1. Тошкент давлат иқтисодиёт университети хақида

Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодий йўналишлар бўйича республикада таянч олий ўқув юрти ҳисобланиб, 1931 йилнинг 13 августида собиқ Иттифоқ халқ комиссарлари кенгашининг қарори билан Ўрта Осиё молия-иқтисод институти сифатида ташкил топган. Шу йилнинг 31 августидан Тошкент молия-иқтисод институти деб аталган. 1931 йилнинг 31 августи Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ташкил топган куни деб ҳисобланади. 1962 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 11 июндаги 285-сонли буйруғи билан Тошкент молия-иқтисод институти Тошкент Халқ хўжалиги институтига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 июлдаги VII-217-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 июлдаги 164-сонли қарорига мувофиқ, олийгоҳнинг иқтисодчи кадрларни тайёрлашдаги қўлга киритган ютуқлари ҳамда илмий-педагогик салоҳиятини ҳисобга олиб, Тошкент Халқ хўжалиги институтига Тошкент давлат иқтисодиёт университети мақоми берилган. Университет Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибига киритилган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Олий мажлис қарорлари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ва ўз Уставига амал қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети юридик шахс ҳисобланади. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга. Тошкент давлат иқтисодиёт университети жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй.

Ҳозирги кунда университетда 5 та факультет (“Иқтисодиёт”, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Иқтисодиётда ахборот тизимлари”, “Корпоратив бошқарув”, “Халқаро туризм”) ва 25 та кафедралар фаолият кўрсатмоқда ва 24 та бакалавр таълим йўналишларида 4466 нафар, 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича 536 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Талабаларга билим ва кўникмалар бериш учун институтда 656 нафардан (508 асосий штатда, 143 ўриндош, 5 нафар соатбай) иборат профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боришмоқда. Уларнинг 86 нафари фан доктори, профессорлар, 251 нафари фан номзодлари бўлиб, улардан 191 нафари доцентлардир.

2. Университет миссияси

Университет миссияси - Илм-фан, таълим ва инновацияларни ривожлантириш орқали иқтисодиёт ва инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, КЕЛАЖАК ЕТАКЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ.

Миссиянинг асосий йўналишлари:

- **илм-фан**, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида иқтисодиёт муаммолари ечимини илмий асослаб бериш;
 - иқтисодиёт тармоқлари учун меҳнат бозорида рақобатбардош замонавий **иқтисодий билим** ва амалий кўникмаларга эга малакали кадрлар тайёрлаш;
 - мамлакатнинг барқарор ривожланишида **инновацион технологиялар** ишлаб чиқиш ва жорий этишда фаол иштирок этиш;
 - барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун **инсон капитални** ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш;
 - етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг **илғор тажрибалари** асосида доимий ривожланишни таъминлаш.
- Университет миссияси ва унинг асосий йўналишлари “**5 И**” тамойилига асосланади.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш учун университет ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

- жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш;
- ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;
- хорижий ҳамкор университетлар базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;
- таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

- янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгиллаб бориш;

- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

- университет илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, университет профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

- университетда тарбиянинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

- олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

- олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

3. Жорий ҳолатнинг умумий таҳлили (асосий муаммолар)

1. Йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқув режалар ва фан дастурлари кадрлар истеъмолчилари талаблари асосида мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.
2. Ўқув жараёни жадвалини талабаларнинг вақт бюджети асосида такомиллаштириш зарур, аудитория машғулоти салмоғи камайтирилиб, аудиториядан ташқари ўтказиладиган мустақил иш ҳажми ўсиб бориши лозим.
3. Талабаларга юқори савияда билим бериш учун замон талабига мос равишда дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш зарур.
4. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун кадрлар истеъмолчилари билан алоқаларни мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқдир, айниқса, талабаларни малакавий амалиётини ташкил этиш, корхона ва ташкилотлар мисолида битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашда.
5. Ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш учун педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш лозим.
6. Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими такомиллаштиришни ҳам талаб этмоқда.
7. Талабаларни билими ва тайёргарлик даражасини баҳолайдиган давлат аттестация комиссиялари иши такомиллаштиришни талаб этади.
8. Талабалар мустақил ишлари кўламини ошириш юқори самара беради. Мустақил ишларнинг турлари ҳамда шакллари такомиллаштириш зарур.
9. Кафедралар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш зарур.
10. Профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида уларни корхона ва ташкилотларга 6 ойлик стажироваларга юбориш мақсадга мувофиқдир.
11. Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳоловчи ички аттестацияларни такомиллаштириш зарур.
12. Профессор-ўқитувчилар томонидан шахсий ўқув юкламаларига киритилган соатларни бажарилиши мониторингини такомиллаштириш зарур.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАСТУРИ**

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
Ўқув жараёнини такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба асосида замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш						
а) Университетнинг таркиби ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш						
1.1.	Университетда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчи кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш, Ривожланган хорижий мамлакатлар университет-ларида кадрлар тайёрлашнинг	Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида университет таркибий тузилмасини такомиллаштириш, ривожланган хорижий мамлакатлар университетлари таълим менежментининг илғор меъёрларини университет ўқув жараёнига татбиқ этиш; онлайн видео семинарлар ташкил этиш.	-	2017-2030 йй.	Ректор, проректорлар, факультет деканлари, ўқув-услубий бошқарма, ходимлар бўлими.	Замон талабига мос равишда университет таркибий тузилмаси такомиллаштирилади, янги бўлим ва марказлар очилади, Университет фаолиятини такомиллаштиришга имкон берувчи меъёрлар ишлаб чиқилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	норматив-ҳуқуқий базасини ўрганиш ва шу асосда университет фаолиятини такомиллаштиришга имкон берувчи меъёрларни ишлаб чиқиш.					
1.2.	Иқтисодиёт йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, таълим-тарбия ва илмий-тадқиқотлар сифати ва самарасини ошириш мақсадида университет таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш.	Хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш; хар ўқув йилида хориждаги юқори салоҳиятли 15 нафар профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб этиш.	60,0 (ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2017-2030 йй.	Ректор, проректорлар, факультет деканлари, ўқув-услубий бошқарма, ходимлар бўлими.	Таълим сифати ошади, талабаларга замонга мос равишда янги билимлар берилади.
1.3.	Янги факультет ва	Юқори малакали	-	2017-2030	Ўқув ишлари	Университет

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	кафедралар, бўлинмалар, марказларни ташкил этилиши асосида Университет Устави, факультетлар ва кафедралар низомларини қайта ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш	кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга йўналтирилган университет Устави, факультет ва кафедралар низомларини. такомиллаштириш		йй.	бўйича проректор, ходимлар бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари	бошқарувини амалга оширадиган меъёрий ҳужжатларнинг такомиллашишига эришилади.
1.4.	Университет кафедралари-да профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 сентябрдаги 32-сонли баёни балан тасдиқланган меъзонлар асосида 110 баллик	Кафедраларда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар таркиби сифати, штатлар бўйича ўқув юкламаларининг тақсимланиши ҳолати, фанлар бўйича янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолатини танқидий ўрганиш натижасида профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш, ҳар бир кафедра бўйича маълумотлар базасини яратиш.	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультетлар кесимида комиссиялар, ишчи гуруҳ.	Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг фаолиятини баҳолаш ўтказилади, ўқув жараёни, таълим технологиялари ва ўқув-услубий ишларни ривожлантиришнинг мақсадли дастури ишлаб чиқилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	тизимда баҳолашни ўтказиш. Баҳолаш натижалари бўйича ўқув жараёни, таълим технологиялари ва ўқув-услугий ишларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш.					
1.5.	“Инновацион таълим ва тадқиқотлар маркази” фаолиятини ташкил этиш.	Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар малакасини мунтазам оширишни ташкил қилиш, халқаро таълим ва тадқиқотлар майдонида рўй бераётган энг илғор жараён ва тенденцияларни мунтазам ўрганиш ва уни университет фаолиятига жорий этиш.	-	2018 й. сентябрь	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультет деканлари, кафедра мудирлари, кадрлар бўлими.	Ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибалар жорий этилиши натижасида таълим сифати ошади.
1.6.	“Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш” бўлими фаолиятини ташкил этиш.	Университет таркибий тузилмасида янги бўлинма очиш.	60,0 (ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2017 йил 1 сентябргача	Ўқув ишлари бўйича проректор	Ўтказилаётган машғулотлар сифати ошади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
1.7.	Битирувчилар Ассоциацияси фаолиятини ташкил этиш.	Университетни битириб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мунтазам мулоқот ўрнатиш, магистрантлар стажировкаси ва малакавий амалиётини самарали ташкил этишга кўмаклашиш.	-	2018 й. ноябрь	Ўқув ишлари бўйича проректор, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор, кафедра мудирлари.	Университетни битириб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мунтазам мулоқот ўрнатилади.
1.8.	Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими бўйича Университет рейтингини ошириш: 2017 йил -10 2020 йил -5 2025 йил -3 2030 йил -1	Олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш, ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантириш, Мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан ижро интизомини таҳлил этиш ва тезкор чоралар кўриш.	-	2017-2030 йй.	Ректор, проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	2017 йилда биринчи ўнталикдаги олий таълим муассасалари сафига кирилади. 2020 йилда биринчи бешталикдаги олий таълим муассасалари сафига кирилади.
б) Илғор хорижий тажриба асосида ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш						
1.9.	Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талабларини эътиборга	Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талаблари асосида Давлат таълим	-	Мунтазам	Ўқув ишлари бўйича проректор,	Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талаблари асосида янги

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	олган ҳолда Давлат таълим стандартлари тузилмаси ва мазмуни бўйича лойиҳалар тайёрлаш.	стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш.			Ишчи гуруҳ	таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалар ва фан дастурлари яратилади.
1.10.	Реал сектор ва истеъмолчилар талаблари асосида қабул квоталарини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан мувофиқлаштириш, янги йўналишлар ва мутахассисликларни очиш. (1.10-банд бўйича илова)	Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртли билан ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда янги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқув режа, фан дастурлари, малака талабларини ишлаб чиқиш	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, кафедра мудирлари	Бакалаврият ва магистратура босқичида янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқув режа, фан дастурлари, малака талаблари яратилади
1.11.	Ўқув жараёни ва мустақил таълимда етук олим ва мутахассисларни таклиф этган ҳолда: муаммоли ва	Университет ўқув жараёнини ташкил этишга киритилган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда аудитория дарслари салмоғини халқаро	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма, факультет	Ўқув жараёнига илғор хорижий университетларнинг тажрибали профессор-ўқитувчиларини жалб этилиши натижасида

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	мунозарали очик маърузалар, мулоқот ва тақдимотлар, мастер-класслар, махсус семинарлар, дебат ва диспут клублар, конференц-мулоқотлар ташкил этиш. (1.11-банд бўйича илова)	меъёрлар даражасида бўлишини таъминлаш ва мустақил таълим компонентини кескин ошириш, интерактив мулоқотларга энг таниқли, малакали ва иқтидорли олим ва мутахассисларни жалб этишга устувор масала сифатида қараш ва таъминлаш			деканлари, кафедра мудирлари.	таълим сифати ошади.
1.12.	Кафедралар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “Кафедралар рейтинги” мезонларини яратиш ва уни мунтазам тизимли такомиллаштириб бориш, ҳар йил якуни бўйича уни аниқлаш.	Кафедраларда ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишларини сифатли ва самарали ташкил этиш, университетнинг халқаро ва миллий таълим ва тадқиқотлар майдонидаги нуфузини янада кучайтириш ҳамда унинг ахборот-ресурс ва моддий-техник салоҳия-тини	-	2018 йил	Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма, деканлар, кафедра мудирлари, ходимлар бўлими, Мониторинг ва ички назорат бўлими.	Кафедралар фаолиятини баҳолаш натижасида илғор кафедра аниқланиб уларнинг илғор тажрибаси бошқа кафедрага жорий этилади .

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
		ривожлантиришга кўшаётган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда “Кафедралар рейтинги”ни яратиш.				
1.13.	“Факультетлар рейтинги” мезонларини уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб яратиш ва уни мунтазам тизимли такомиллаштириб бориш, ҳар йил якуни бўйича уни аниқлаш.	Факультетларда ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишларини сифатли ва самарали ташкил этиш, университетнинг халқаро ва миллий таълим ва тадқиқотлар майдонидаги нуфузини янада кучайтириш ҳамда унинг ахборот-ресурс ва моддий-техник салоҳиятини ривожлантиришга кўшаётган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда “Факультетлар рейтинги”ни яратиш.	-	2019 йил	Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма, деканлар, кафедра мудирлари, ходимлар бўлими, Мониторинг ва ички назорат бўлими	Факультетлар фаолиятини баҳоловчи рейтинг тизими яратилади.
1.14.	Хорижий олий таълим муассасалари	Хорижий грантлар асосида ҳамкорлик	Штат жадвали бўйича ойлик иш		Ўқув ишлари бўйича	Ўқув жараёнига илғор хорижий тажриба

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	даражасига (PhD) эга жаҳондаги 300 та энг яхши олий ўқув юртлари жумласига кирувчи профессор-ўқитувчиларни жалб этиш (1.14-банд бўйича илова)	алоқаларини ўрнатиш.	ҳақи тўланади	2017-2030 йй.	проректор, Халқаро алоқалар бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари,	жорий этилади, таълим сифати ошади.
1.15.	Ўқув жараёнини бошқариш ва дарс жадвалини тузишнинг автоматлашган тизимини яратиш.	Ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича ахборот технологияларини жорий этиш.	6,0 (ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2019 й.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ижодий ишчи гуруҳ.	Университетда дарс жадвалларини тузишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади.
в) Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва фаоллигини ошириш						
1.16.	Профессор-ўқитувчиларни ривожланган хорижий мамлакатлар университетларига малака оширишга юбориш.	Ҳар ўқув йилида 12-15 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатларга малака оширишга юборилади.	(Халқаро грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	2030 йилга инглиз тили бўйича тўлиқ мулоқот қиладиган ўқитувчилар салмоғи 100 фоизга етказилади. (ҳозирги ҳолат 35 %)
1.17.	Профессор-ўқитувчилар учун ахборот ва	Ҳар ўқув йилида 2 босқичли апрель, май,	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича	2025 йилда ахборот технологияларини ўқув

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	инновацион таълим технологиялари бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.	июнь ҳамда октябрь, ноябрь, декабрь ойларида АКТ бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.			проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	жараёнига тўлиқ тадбиқ қиладиган профессор-ўқитувчилар салмоғи 100 фоизга етказилади. (ҳозирги ҳолат 60 %)
1.18.	Профессор-ўқитувчилар-нинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган ҳамкорлик шартномалари асосида 6 ойлик стажировкаларини ташкил этиш.	Профессор-ўқитувчилар учун кадрлар бюртмачилари бўлган ташкилот ва корхоналарда шунингдек, хорижий илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида стажировкалар ташкил этиш.	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Профессор-ўқитувчиларнинг узлуксиз амалий кўникмаларини ривожлантиришга эришилади.
1.19.	Ўқув, илмий тадқиқот ва таълим-тарбия жараёнларига магистратурани битирган иқтидорли ёшларни кенг жалб	Магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларни педагогик фаолиятга жалб этиш асосида профессор-ўқитувчилар таркибини	Штат жадвали бўйича ойлик иш ҳақи тўланади	2017 й-2030	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет	Профессор-ўқитувчилар таркибини иқтидорли ёшлар билан ёшартиришга эришилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	этиш. (1.19-банд бўйича илова)	иқтидорли ёшлар билан таъминлашга эришиш.		йй.	деканлари, кафедра мудирлари.	
1.20.	Профессор-ўқитувчилар касбий малакаси, илмий салоҳияти ва фаоллигини ошириш.	Кафедраларда ҳар ойда бир марта Илмий-услубий семинарлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш, жумладан, ушбу семинарларда магистрантлар ва катта илмий ходим-изланувчилар тадқиқотлари бўйича мақсадли тақдимотларни ташкил этиш.	(Грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва илмий салоҳияти ошади.
г) Ўқув-услубий ишлар сифатини янада ошириш, илғор ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш						
1.21.	Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низомни такомиллаштириш ва тасдиқлаш.	Ўқув режада мустақил ишлар кўламини ошириш, мустақил ишларни ташкил этишнинг замонавий услубларини жорий этиш.	(Грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2018 й. август	Ўқув-услубий бошқарма	Талабаларда замонавий мустақил ишларни ташкил этиш кўникмалари ҳосил бўлади.
1.22.	Магистратура босқичи таълим жараёнида мустақил таълимнинг	Илғор педагогик услуб-лар ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон	(Грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари	2017-2030 йй.	Ўқув-услубий бошқарма, факультет	Магистратура босқичида мустақил таълим

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	интерактив услубларига кенг ўрин бериш.	таълим ресурслари ва мультиме-диа такдимотларидан фойдаланиш.	маблағлари хисобидан)		деканлари, кафедра мудирлари	такомиллаштирилади.
1.23.	Университетда ўқитиладиган барча фанлар бўйича илгор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини ўзида мужассамлаштирган ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, уларнинг электрон кўринишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	Илгор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда такомиллаштирилган ўқув-услубий мажмуаларни яратиш.	(Грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Ҳар бир фан бўйича такомиллаштирилган ўқув-услубий мажмуалар яратилади
1.24.	Университетда ўқитиладиган барча фанлар бўйича илгор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини ўзида мужассамлаштирган ишчи дафтарлар яратиш,	Илгор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда такомиллаштирилган ишчи дафтарларни яратиш.	(Грантлар, ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Ҳар бир фан бўйича ишчи дафтарлар яратилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	шунингдек, уларнинг электрон кўринишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.					
1.25.	Битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари, курс ишлари мавзуларини ва малака амалиёти дастурларини ҳар йили реал сектор талабларидан келиб чиқиб янгилаб бориш.	Ўзбекистон ва халқаро иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришлар, жараёнлар ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини эътиборга олган ҳолда мавзулар базасини шакллантириш.	-	2017-2030 йй. май-сентябрь	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари мавзулари ҳар йили 35-40 фоизга янгиланади.
1.26.	Барча фанларнинг методик таъминотини ошириш. (1.26-банд бўйича илова)	Фанлар бўйича ўқитишнинг интерфаол усулларини (кейс-стади, лойиҳа тақдимотлари, гуруҳларга бўлиниб, жамоа усулида ишлаш ва ҳ.к.) қўллаган ҳолда амалий машғулотлар ўтказилишининг методик таъминотини ошириш.	323,0 (ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор, кафедра мудирлари.	Фанлар услубий жиҳатдан тўлиқ таъминланади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
1.27.	Янги авлод ўқув адабиётларини хорижий давлатларнинг етакчи олий ўқув юртларида фойдаланилаётган тегишли адабиётларнинг танқидий таҳлили асосида яратиш. (1.27-банд бўйича илова)	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича фанларнинг дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражасини ошириш.	500,0 (ТДИУнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан)	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Молиявий-иктисодий ишлар бўйича проректор, кафедра мудирлари.	Фанлар бўйича янги авлод ўқув адабиётлари яратилади.
1.28.	Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида инглиз тилида машғулотлар олиб бориладиган гуруҳларни ташкил этиш.	Инглиз тилида ташкил этилган синовлар натижасида юқори кўрсаткичларга эришган талабалардан иборат гуруҳлар очиш.	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультет деканлари.	Мазкур гуруҳларда барча фанлар инглиз тилида олиб борилади
1.29.	Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни танқидий таҳлил қилиш	Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмаларни такомиллаштириш.	-	2018 й. сентябрь	Ўқув-услубий бошқарма.	Услубий кўрсатмалар такомиллашади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	ва илғор хорижий андозалар асосида қайта ишлаб чиқиш.					
1.30.	Талабалар амалиёт базасини доимий янгилаб бориш.	Талабалар амалиёт базаси сифатида техник жihatдан модернизациядан ўтган корхона ва ташкилотларни танлаш.	-	2017-2030 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, кафедра мудирлари.	Амалиёт базаси ҳар йили камида 30 фоизга янгилаб борилади.
II. Илмий тадқиқот ишлар соҳасида иқтисодиёт тармоқлари билан инновацион-корпоратив ҳамкорликни янада ривожлантириш						
2.1.	Университетда мавжуд илмий салоҳият ва корхона (ташкilot, идора)ларда тўпланган бой амалий тажрибадан биргаликда самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётни замонавий ривожланишига қаратилган инновацион-корпоратив ҳамкорлик фаолиятини кенг қўламда йўлга қўйиш,	1. Университет кафедра-ларининг корхоналар билан ҳамкорлик ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаш мақсадида инновацион-корпоратив ҳамкорлик	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Ўзаро ҳамкорликда инновацион гуруҳлар фаолиятини самарали йўлга қўйилиши натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини юқори кўрсаткичларга эришиши таъминланади, профессор-ўқитувчилар,

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаш мақсадида корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ долзарб илмий-амалий мавзулар бўйича университет инновацион гуруҳлари доирасида илмий тадқиқот ишларининг ҳажмини ошириш.	доирасида шартномалар имзоланади. 3.Шартномаларга мувофиқ инновацион гуруҳлар фаолияти ташкил этилади ва ушбу гуруҳларга профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистр ва талабалар жалб этилади.				тадқиқотчилар, магистр ва талабаларнинг стажировка ҳамда малакавий амалиётлари ташкил этилади, диссертация ишлари, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишларининг сифати янада ошади.
2.2.	Профессор-ўқитувчилар, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш орқали	1. Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларнинг диссертация ишларини босқичма-босқич ҳимоя қилишлари учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, кафедра	Диссертациялар ҳимоя қилиниши натижасида университет профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ошади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	университет илмий салоҳиятини 70-75 % гача ошириш. (2.2.-банд бўйича илова)	2.Чора-тадбирлар режасига мувофиқ диссертация ишларининг ҳимояси ўз вақтида ташкиллаштирилади.			мудирлари.	
2.3.	Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғриси-да”ги 304-сонли қарори асосида университетда Илмий кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш, таянч докторантура ва докторантура изланувчиларининг диссертация ишлари ҳимоясини фаоллаштириш.	1. Илмий кенгаш таркиби қайта кўриб чиқилади ва унинг фаолияти самарали йўлга қўйилади. 2. Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида тузилган инновацион гуруҳга таянч докторантура ва докторантура изланувчилари тадқиқот объектлари бўйича бириктирилади.	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Илмий кенгаш фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали диссертация ишлари ҳимоясининг натижадорлиги ошади, таянч докторантура ва докторантура изланувчилари тадқиқот объектларидан ўз диссертация ишлари учун зарур бўлган статистик маълумотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
2.4.	Ривожланган хорижий мамлакатларда фалсафа доктори (Doctor of Philosopy) ва фан доктори (Doctor of Science) тайёрлаш тажриба-сини чуқур таҳлил қилган ҳолда фалсафа доктори ва фан докторлари тайёрлаш, юкори илмий-услубий ва амалий-татбикий аҳамиятга эга монография ва илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда уларни нуфузли хорижий илмий журналларда чоп этишни фаоллаштириш.	1. Профессор-ўқитувчилар томонидан илгор хорижий журналлар учун мақолалар ёзиш ва чоп этиш бўйича қисқа муддатли ўқув семинарлари ташкил этилади. 2. Уларнинг илмий фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилади	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, кафедра мударлари.	Университет профессор-ўқитувчилари томонидан илгор хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этишнинг жадаллашуви натижасида илмий салоҳиятнинг ўсишига хизмат қилади
2.5.	“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор	1. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ёзги таътил даврида вилоятлар	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва	Ишчи гуруҳ томонидан тўпланган маълумотлар ва амалга оширилган ишлар натижасида Ҳаракатлар стратегияси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	<p>йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси”нинг III-банди “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бандида белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиқиб диссертациялар ҳимоясини фаоллаштириш.</p>	<p>кесимида ишчи гуруҳ фаолияти ташкил этилади ва ушбу ишчи гуруҳга профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар бириктирилади.</p> <p>2. Мамлакатда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган диссертация мавзулари базаси шакллантирилади ва тадқиқотчиларга бириктирилади.</p> <p>3. Диссертация ишларининг ҳимояси ташкил этилади.</p>			ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	<p>бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва самарали таъминланади.</p> <p>Муаммоли мавзулар бўйича барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш сифатини юксалтиришга қаратилган диссертациялар ҳимояси ташкил этилади.</p>
2.6.	<p>“Инновацион технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасида</p>	<p>1. Кафедралар ихтисосликларидан келиб чиқиб зарур шарт-шароитлар яратиш орқали</p>	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий	Инновацион ишланмалар салмоғининг ошиши натижасида корхоналар

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	кафедраларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали хўжалик шартномалари, шу жумладан “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасида шартномалар тузишни фаоллаштириш. (2.6.-банд бўйича илова)	инновацион ишланмалар шакллантирилади. 2.Шакллантирилган инновацион ишланмалар бўйича хўжалик шартномалари тузилади ва ишланма муаллифлари рағбатлантирилади.			тадқиқот ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	фаолияти самарали йўлга қўйилади ва университет моддий-техника базаси кенгайди. Янги ишланмалар ва хўжалик шартномалари ҳажми йилдан-йилга ошиб боради.
2.7.	Университет билан корхоналар ўртасида ўзаро инновацион-корпоратив ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида кафедралар филиалларини очиш ва ҳар йили профессор-ўқитувчилар-ни илмий-амалий стажировкаларини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш.	1. Ҳамкор корхоналарда кафедра филиаллари ташкил этилади. 2. Кафедра филиалларида профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари ташкил этилади.	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Ҳамкор корхоналарда кафедра филиаллари фаолияти йўлга қўйилади ва ташкил этиладиган стажировкалар орқали профессор-ўқитувчиларнинг малакаси ошади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	(2.7.-банд бўйича илова)					
2.8	Университетнинг “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали фаолиятини такомиллаштириш ва келгусида ОАК рўйхатига киритилган хорижий илмий журналлар даражасига эришиш.	1. Магистрантлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ва илмий тадқиқотлар натижаларини чоп этиш мақсадида хорижий илмий журналлар томонидан қўйилadиган талаблар асосида мақолалар қабул қилинади. 2. Мақолаларни хорижий илмий журналлар томонидан қўйилadиган талабларга мос равишда чоп этиш йўлга қўйилади.		2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими	“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали томонидан чоп этиладиган мақолаларнинг сифати ошади.
2.9.	Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида магистратура ва бакалавриат босқичи талабаларини реал ва молиявий сектор	1.Бакалавриат ва магистратура талабаларининг корхоналарда малакавий амалиётлари ташкил этилади. 2. Корхоналардаги мавжуд	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион	Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари учун маълумотлар базаси шакллантирилади. Битирув малакавий

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
	корхоналари ва ташкилотларида амалиёт ўтишларини кенгайтириш ва корхоналарда магистрлик диссертация ҳамда битирув малакавий ишлар ҳимоясини ташкил қилиш.	муаммоларни ҳал этишга қаратилган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари тайёрланади.			ҳамкорлик маркази.	ишлари ва магистрлик диссертацияларида корхона ва ташкилотлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ илмий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилади. Битирувчилар бандлиги таъминланади.
2.10	Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги фундаментал, амалий, инновацион, ёшлар лойиҳалари ва халқаро грантлар танловида кафедраларнинг фаол иштирокини таъминлаш.	1. Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги лойиҳаларда кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Лойиҳалар сонини 1,5-2 мартагача ошириш чоралари кўрилади. 3. Тадқиқот натижалари асосида дарслик, ўқув қўлланма ва	-	2017-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Профессор-ўқитувчиларнинг лойиҳаларда иштирок этишлари натижасида дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар чоп этиш салмоғи ортади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
		монографиялар чоп этиш 2 мартага кўпайтирилади.				
